



ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ ШАРҲИ


2025 йил январь-ноябрь ойлари якуни бўйича

I. 2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган умумий таклиф ҳажми ўсиш суръати, талаб ҳажми ўсиш суръатидан бироз юқори бўлди.


Хорижий валютага бўлган талаб **53,7 млрд** АҚШ долларини (кейинги ўринларда – доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ошди.

Шунингдек, таклиф ҳажми (Марказий банк операцияларини ҳисобга олмаган ҳолда) **45,6 млрд** долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26 фоизга** ўсди.

Хорижий валютага талаб (январь-ноябрь),
млн долларда



Субъектлар кесимида валюта таклифи
(январь-ноябрь), млн долларда



Марказий банкнинг монетар олтин билан боғлиқ операциялари ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидлик Марказий банкнинг нейтраллик тамойили доирасидаги валюта операциялари ҳамда бошқа пул-кредит инструментлари орқали стерилизация қилиб борилмоқда.

II. Юридик шахслар валюта таклифининг ўсиш суръати уларнинг валютага бўлган талаби ўсиш суръатидан сезиларли юқори шаклланди.


Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2025 йилнинг 11 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ўсган бўлса, улар томонидан валюта таклифи ҳажми **35 фоизга** ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт тушумлари ҳисобига шаклланадиган валюта таклифи ушбу даврда **17 фоизга** ошиб, **16,0 млрд** долларни ташкил этди. Мазкур экспорт тушумларининг **8,9 млрд** доллари ёки **55 фоизи** ички валюта бозорида сотилди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоиз ёки 1,4 млрд долларга кўп).

Шунингдек, ушбу даврда ички валюта бозорига **8,1 млрд** долларлик валюта маблағлари банклар томонидан **хорижий кредитлар** ҳисобидан сотилди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 63 фоиз ёки 3,5 млрд долларга кўп).

Январь-ноябрь ойларида импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши **64,7 фоизни** (2024 йилда – 64,9 фоиз), хорижий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига импортни молиялаштириш улуши **24,0 фоизни** ташкил этди (2024 йилда – 23 фоиз).

2024-2025 йилларнинг январь-ноябрь ойлари давомида импортни молиялаштириш манбалари, фоизда



Сотиб олинган хорижий валютанинг асосий қисми – **50 фоизи** ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, **27 фоизи** – хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, **17 фоизи** – халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **2 фоизи** – хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган **4 фоизи** – бошқа мақсадлар учун харид қилинган.


III. Жисмоний шахсларларнинг банклар билан амалга оширган операцияларининг ижобий сальдоси ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳоли томонидан тижорат банкларига **19,4 млрд** доллар сотилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробарга** ошди (2024 йилда – 14,6 млрд доллар).


Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан **10,6 млрд** доллар сотиб олиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **25 фоизга** ўсди (2024 йилда – 8,5 млрд доллар).

Умуман олганда, жисмоний шахслар томонидан хорижий валюта таклифи ҳажми унга бўлган талаб ҳажмидан **8,7 млрд** долларга ортиқ бўлди (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп).

Аҳолининг банклар билан амалга оширилган операциялари (январь-ноябрь), млн. долларда



Пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта маблағлари, млн. долларда



Мазкур даврда аҳолининг банкларга валюта сотувининг асосий манбаи бўлган халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимизга **17,3 млрд** доллар миқдорида валюта маблағлари келиб тушди (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоиз ёки 3,5 млрд долларга кўп).

Шунингдек, халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимиздан **2,4 млрд** доллар миқдорида валюта маблағлари чиқиб кетган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 157 млн долларга камайди.

IV. Миллий валюта алмашув курсида мустаҳкамланиш тенденцияси давом этиб, январь-ноябрь ойлари давомида унинг қадри 7,5 фоизга ошди.

Январь-ноябрь ойларида миллий валюта алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари, умумий макроиқтисодий тенденциялар ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.

Умуман олганда, мамлакатимизда экспорт, хорижий кредитлар ва пул ўтказмалари каналлари орқали валюта оқимларининг сезиларли даражада ошиши, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсувчи динамикаси ҳамда импортнинг нисбатан барқарорлашиши ички валюта бозорида валюта курси мустаҳкамланишига таъсир этган омиллардан бўлди.

Валюта айирбошлаш курси динамикаси, сўм/доллар

